



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

**Ш. Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



### **Лойиха ташкилотчысы:**

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

### **Тузувчи:**

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

### **Тақризчилар:**

З.М.Сатторов – Тошкент архитектура-курилиш институти “Курилиш материаллари ва кимё” кафедраси профессори, т.ф.н, профессор.

Б.У.Бекмуродов - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази бўлим бошлиғи.

### **Ушбу қўлланма**

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.**



Ушбу қўлланма “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, ҳамда “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан агломерат ишлаб чиқаришни ташкил этиш истаги бор тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб агломерат ҳақида умумий маълумот олиш, керакли хом ашётурлари, мавжуд заҳиралар,

ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий ҳужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

**Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!**

**Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!**



## МУНДАРИЖА


Кириш	6
<b>I. Агломерат (суний гранит) маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот</b>	<b>12</b>
1.1 Республикада агломерат (суний гранит) маҳсулотларини ишлаб чиқариш истикболлари ва жаҳон тажрибаси	14
1.2 Агломерат (суний гранит) маҳсулотларини турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари	18
1.3. Афзалликлари	22

1.4 Ишлаб чиқарыш ҳолати рақамларда	24	<b>VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири</b>	<b>58</b>
<b>II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар</b>	<b>28</b>	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	60
2.1 Хом ашё турлари	30	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	64
2.2 Республика худудларида мавжуд хом ашё заҳиралари	34		
<b>III. Ишлаб чиқариш технологиялари</b>	<b>40</b>	<b>VII. Мехнатни муҳофаза қилиш</b>	<b>66</b>
<b>IV. Сифат, меъерий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари</b>	<b>44</b>	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	68
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	46	<b>VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми</b>	<b>74</b>
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	50		
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	52	<b>IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби</b>	<b>76</b>
<b>V. Самарадорлик кўрсаткичлари</b>	<b>54</b>	<b>Фойдаланилган адабиётлар</b>	<b>78</b>

# КИРИШ







Маълумки ҳозирги кунда аҳолини арzon турар-жойлар билан таъминлаш, ижтимоий ҳамда саноат соҳа обьектлари, нотурар жойлари учун сифатли, арzon, замонавий қурилиш материаллари билан таъминлаш давр тала-

бидир. Қурилиш ишлари қийматининг 55-60 фоизини қурилиш материаллари ташкил этишини, замонавий архитектура, янги энергия тежамкор, сифатли, арzon, енгил, янги инновацион қурилиш материалларини талаб

этишини инобатга олинса, қурилиш материаллари ишлаб чиқарыш соҳасини ривожлантириш давр талабидир.

Сүнгги йилларда дунёда қурилиш жараёнида энергия тежамкор, инновацион қурилиш материалларидан фойдаланиш бино-иншоотнинг таннархи арzon бўлиши ҳамда қурилиш ишларини тез фурсатда, сифатли амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакат бўйи-

ча қурилишни жадал ўсиши қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг жадал ривожланишига сабаб бўлмоқда. Янги материаллар замонавий биноларнинг ташқи ва ички кўринишига бўлган ёндашувни бутунлай ўзgartириб юбормоқда.

Қурилиш материаллари ва буюмларининг энергия тежамкор, арzon, сифатлилиги, турли нурлар таъсирига бардошлилиги, юқори даражадаги экологик хафсизлиги, ўрнатишнинг (ишла-





тишнинг, тозалашнинг) осонлиги эстетик жозибадорлиги қисқа қилиб айтганда, жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берувчанлиги каби талаблар қўйилмоқда. Республикаизда қурилиш материаллари саноатида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш,

техник ва технологик янгилашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ривожланган давлатларда агломерат ишлаб чиқариш кенг оммалашган бўлиб, мамлакатимизда ҳам ушбу қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга кўйиш, бу йўналишда жаҳон тажрибасини қўллашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ҳозирги кунда бутун дунёда


бино ва иншоотлар инновацион, янги турдаги қурилиш материалларини қўллаш орқали сифатли, ҳар томонлама қулай, энергия тежамкор тарзда бунёд этилмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада дунё тажрибаси қўлланилмоқда. Бино ва иншоотларни барпо этишда агломерат маҳсулотларини қўллаш бўйича

меъёрий-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Нафақат маҳаллий балки жаҳон бозорини ушбу турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш, ушбу йўналишда янги саноат корхоналарини барпо этиш мақсадида кўплаб йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.



# I. АГЛОМЕРАТ (СУНИЙ ГРАНИТ) МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





## 1.1 Республикада агломерат (суний гранит) маңсулотларини ишлаб чықариш истиқболлари ва жағон тажрибаси



Замонавий қурилишда ишлатиладиган сунъий тошлар бир томондан экологик жиҳатдан тоза ва бошқа томондан фойдаланиш учун қулайдир. Маълумки, йилдан-йилга табиий тош билан бир хил тарзда сунъий тош материалларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу боис республикамиз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида ушбу йўналишда янги кувватларни ишга тушуриш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида «Kitob Marmor Zavod» МЧЖ, "Exclusive Stone" ва бошқа бир қатор ишлаб чиқарувчилар агломерат ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишмоқда.

Ушбу қурилиш материал-

лари ишлаб чиқариш атроф – муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайди, чунки ишлаб чиқариш пайтида ускуналар атроф-муҳитга концентрация даражасидан ошиб кетадиган зарарли чиқиндилар чиқармайди. Ушбу кўрсаткичлар архитектура ва қурилишнинг замонавий ривожланган даврида янги биноларни қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилишда қурилиш материаллари сифатига талабларнинг ошиши билан тавсифланади. Бугунги кунда бутун мамлакат бўйлаб янги саноат иншоотлари, турар жой бинолари, мактаблар, тиббиёт муассасалари, бошқа ижтимоий ва спорт иншоотларини реконструкция қилиш бўйича кенг қўламли қурилиш ишлари бошланди, кўп жиҳат-

дан республиканинг бутун қурилиш комплексини самарали ишлаши унинг қурилиш материалларига ҳамда маҳсулотлари билан қанчалик таъминланшига боғлиқ бўлиб келмоқда. Қабул қилинаётган фармон ва қарорларда ҳам соҳада яқин йилларда ҳал қилиниши керак бўлган асосий вазифа ва топшириқлар аниқ кўрсатилиб келинмоқда. Бунинг учун уй-жой ва саноат қурилиши бўйича миллий дастурларнинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги, замонавий материаллар ҳамда маҳсулотларнинг ички бозорда уларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун уларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича иш олиб бориш зарур.

Агломерат - табиий тошлар ёки минералларнинг аралашмаси, шунингдек пигментлар ва боғловчилардан ташкил топган материал ҳисобланади.

Агломерат - бу энг замонавий муқобиллардан сифат жиҳатидан устун бўлган, истиқболли сунъий тош материали ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда агломерат ишлаб чиқаришга бўлган талаб реал таклифдан анча юқори. Шу сабабли агломерат ишлаб чиқариш инвестицияларнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Бугунги кунда Республика мизда агломерат ишлаб чиқариш ва уни сотиш бозори ўзининг ривожланиш босқичини номоён этмоқда. Ўзбекистонда агломерат уй жой қурилишида фойдаланиш ривожланган мамлакатларга нисбатан пастлиги, агломерат ишлаб чиқариш бозорининг ўсиш кўрсаткичлари истиқболли эканлигини кўрсатади.

Агломерат ишлаб чиқариш бозори тез суръатлар билан оммалашмоқда ва бозорда янги ишлаб чиқарувчилар ҳамда ян-

ги-янги хом ашё етказиб берувчилар пайдо бўлмоқдалар.

Россия Федерацияси, Истроил, Португалия, Хитой, Италияниг бир қатор - агломерат ишлаб чиқарувчи корхоналари жаҳонда етакчи компаниялардан ҳисобланишади. Истроилнинг "Caesarstone", Португалияниг "Compac", шунингдек "Plaza stone",

"Vicostone" номли агломерат ишлаб чиқарувчи корхоналари шу кунгача муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Компаниялар 70 турдан ортик сифатли агломерат плиталари ишлаб чиқаради. Компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган хом ашёлар ва маҳсулотларнинг сифати бутун дунёда тан олинган.



## 1.2 Агломерат (суний гранит) маңсулотларини турлари, ўлчамлари, физик - механик күрсаткычлари



Агломерат таркибида табиий мармар ва гранит, кварц қуми, ярим қимматбаҳо ҳамда қимматбаҳо минераллар, металл бўлиши мумкин. Полиэфир смолалар ёки цемент боғловчи модда сифатида ишлатилади. Баъзан юқори мустаҳкам агломерат ишлаб чиқариш учун шиша толадан ҳам фойдаланилади. Агломерат табиий тоғ жинсларининг 80-96 % ини ўз ичига олиши мумкин ва шунинг учун унинг хоссалари табиий

материалга нисбатан яқин ҳисобланади.

Ишлатилган хом ашёларга кўра агломерат қуидаги турларга бўлинади:

- Доломитланган агломерат;
- Темир рудали агломерат;
- Марганецли агломерат;
- Ферромангандезли агломерат;
- Металлаштирилган агломерат;
- Фосфорли агломерат;
- Хромит агломерат.



## Агломератнинг физик механик хусусиятлари

Техник хусусиятлари	Синов усули	Натижа
<b>Сув шимувчанлик (%)</b>	EN 14617-1	$\leq 0,04\% (W4)$
<b>Кварцли агломерат зичлиги</b>	EN 14617-1	2,2-2,4 гр/см <sup>3</sup>
<b>Мослашувчанлик кучи</b>	EN 14617-2	>40 MP
<b>Таъсирга қаршилик</b>	EN 14617-9	4.0 - 10.0J
<b>Сиқишик кучи</b>	EN 14617-15	154 - 196 MP
<b>Емирилишга чидамлилик</b>	EN 14617-4	89 - 194 мм <sup>3</sup>
<b>Совуққа чидамлилиги</b>	EN 14617-5	25 циклдан кейин ҳеч қандай нүқсон йўқ
<b>Микроорганизмларга қаршилик</b>	ASTM D 6329	Микроорганизмларга қар- шилик ASTM D 6329-98: Рейтинг 3 - қолипга чи- дамли
<b>Кислоталарга кимёвий қаршилик</b>	EN 14617-10	Class C4
<b>Термик таъсирга чидамлилик</b>	EN 14617-6	$\Delta m\% = 0.06\%$ $\Delta R_f, 20\% = -4.7\%$



## 1.3 Афзалликлари



Агломератнинг ўзига хос хусусиятлари бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмларини қоплаш учун энг мақбул ечимлардан бири ҳисобланади. Замонавий қурилишда агломерат плиталари бoshқа турдаги плиталардан афзаллуклари туғайли кенг фойдаланилиб келинмоқда.

## АФЗАЛЛИКЛАРИ

### 1. Эстетик жозибадорлик.

Юқорида айтиб ўтилганидек, сунъий тайёрланган агломерат бино ва иншоотларга ўзига хос жозиба ва чирой бағишлады.

**2. Универсаллик.** Бино ва иншоотларни қуришда агломератдан фойдаланиш ўздолзарбелигини йўқотмаган. Сув билан тозалаш ёки агломерат юзасига зарар етказа олмайдиган ювиш воситаларидан фойдаланган

холда ишлов бериш натижасида ҳар йили янгидек күриниш береб туради.

**3. Мустаҳкамлик.** Агломерат ўзига тушадиган кундалик юкламаларга бардошли ҳисобланади. Ушбу күрсаткич плиталари учун жуда муҳимдир.

### 4. Фойдаланиш муддати.

Ушбу материалнинг чидамлилиги ажойибdir. Юқори сифатли материал бир неча йиллар давомида хизмат қилиши мумкин. Агломератга тўғри ишлов берилган тақдирда ундан фойдаланиш муддати тахминан 12-15 йилни ташкил этиши мумкин.

**5. Табиийлик.** Гранит таркибидағи асосий хом ашёлар таббий тошлар ҳисобланади. Материал ўзидан инсон саломатлиги ва атроф мухит учун хавфли микроэлементларни чиқармайди.



## 1.4 Ишлаб чиқарыш ҳолати рақамларда



2016 йилда табиий пардозбоп тошларга бўлган талаб 1 356,3 минг тоннани, ишлаб чиқариш ҳажми эса 871,1 минг тоннани ташкил этган (таъминланганлик даражаси 64%).

2020 йилга келиб юқоридағи барча рақамларда ўсиш кўрсаткичлари юз берган. Хусусан, 2020 йилда табиий пардозбоп тошларга бўлган талаб 2 040,0

минг тоннани, ишлаб чиқариш ҳажми эса 2 069,0 минг тоннани ташкил этган (таъминланганлик даражаси 101 %).

Амалда 2016 йилда умумий қиймати 49,6 млрд сўмлик 21,4 минг тонна мармар, травертин ва гранит маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу рақамлар 2021 йилда 217,8 млрд сўмлик 100,0 минг тонна, 2026





Йилда 572,4 млрд сўмлик 270,0 минг тоннани ташкил этиши режалаштирилмоқда.

2026 йилга келиб табиий пардозбоп тошлар билан таъминланганлик 108 % ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда (2020 йилга нисбатан 1,1 баробар).

2020 йилда 0,1 млн тонна табиий пардозбоп тошлар импорт

қилинган бўлса, 2026 йилга келиб ички талаб қопланиши натижасида 0,5 млн тонна маҳсулот экспорт қилинади.

Юқори қўшилган қийматли маҳсулот бўлган табиий ва сунъий тошлар экспорт кўрсаткичи 2021 йилда 4 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 14 млн АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Умумий олганда, 2021 йил-

да республикада барча турдаги курилиш материаллари ишлаб чиқарыш күрсаткичи 24,2 трлн сүмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сүмни ташкил этиши ретжалаштирилған. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллары, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллары, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш күрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сүмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сүмни ташкил этиши кутилмоқда.



## **II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР**





## 2.1 Хом ашё турлари



Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини фойдаланишга беришнинг тартиб таомилларини соддалаштириш ва иқтисодиётнинг норуда хом ашё базасини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, норуда фойдали қазилмалардан самарали фойдаланишни таъминлашда қатор муаммолар

мавжуд бўлиб, булар ер участкасини ажратиш тўғрисидағи қонун ҳужжатларининг ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш билан боғлик нормаларга номувофиқлиги, қазиб олиш ва қайта ишлашда маънан эскирган, муддати тугаган техника ва ускуналардан фойдаланилаётганлиги, конлар ва истиқболли майдонлар тўғрисида тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш ва уларга давлат хизматларини





күрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси пастлигига намоён бўлмоқда.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини фойдаланишга беришда шаффофликни таъминлаш, қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнларида илғор технологияларни кенг қўллаш ҳамда соҳага салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида вазирлик ва идоралар,

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фойдали қазилмалар захиралари давлат балансида ҳисобга олинган конлар ва истиқболли майдонлар жойлашган ер участкаларини беришда (реализация қилишда) ер фонди тоифасидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг ижобий хуносаси олиниши белгилаб қўйилди.



## 2.2 Республика худудларида мавжуд хом ашё заҳиралари



**Республика ҳудудларида мавжуд  
гранит зақиралари (минг тонна)**

<b>Номи ва жойлашуви</b>	<b>Захира- си</b>	<b>Тури</b>	<b>Туман</b>	<b>Вилоят</b>
Казгансай. 35 км ЮВ пос. Джангельды	303	Блоклар учун гранит, Блоклар чиқиши – 37,18 %, плиталар – 12,4 м <sup>2</sup> /м <sup>3</sup> .	Пешку	Бухоро
Тозбулак II (участок 1) 12 км ЮВ пос. Учкудук	537	Граносиенит кулранг, пушти, буғдойранг. Блоклар чиқиши – 43,1%, плиталар – 17,3 м <sup>2</sup> /м <sup>3</sup>	Пешку	Бухоро
Тозбулак-II. 12 км ЮВ пос. Учкудук	311	Гранит кулранг, буғдойранг. Блоклар чиқиши – 65,4%, плит – 17,3 м <sup>2</sup> /м <sup>3</sup> .	Пешку	Бухоро
Тозбулак. 32 км В пос. Джангельды	330	Қизил гранит, Блоклар чиқиши – 60,37%, плиталар – 13,39 м <sup>2</sup> /м <sup>3</sup> .	Пешку	Бухоро
Тозбулак. 180 км С3 г. Бухара	6 448	Гранит кулранг, түқ кулранг, буғдойранг. Блоклар чиқиши – 50,4%, плиталар – 14,5 м <sup>2</sup> /м <sup>3</sup>	Пешку	Бухоро
Лянгар. 68 км С ж.д. ст. Акташ (Зираубулак)	2 386	Гранит кулранг, буғдойранг. Блоклар чиқиши – 39,9 %, Плиталар чиқиши – 14 м <sup>2</sup> /м <sup>3</sup> .	Нурота	Навоий
Азлар-Таль. 2 км СВ пос. Лянгар	1 139,7	Гранит түқ-кулранг, пушти-кулранг, буғдойранг. Блоклар чиқиши – 60,1%, Плиталар чиқиши – 12,9 м <sup>2</sup> /м <sup>3</sup>	Хатирчи	Навоий
Актау. 40 км С3 г. Беруни, 10 км ЮВ ж.д. ст. Каравузяк	2 442,0	Кулранг ва буғдойранг гранодиорит. Блоклар чиқиши – 34,6%, Плиталар чиқиши – 13,4 м <sup>2</sup> /м <sup>3</sup> .	Беруний	Каракалпакстан
Гурмак. 45 км Ю г. Самарканд	585	Гранодиорит түқ-кулранг, пушти-кулранг, буғдойранг. Блоклар чиқиши –	Ургут	Самарканд

**Республика ҳудудларида мавжуд  
мармар заҳиралари (минг тонна)**

Номи ва жойлашуви	Захира-си	Тури	Туман	Вилоят
Сюрената-I. 14 км г. Паркент	243,0	Қора мармар, кулранг мармар.	Паркент	Тошкент вил
Тозбулак-III. 8 км Учкудук	407	Кулранг мармар, Оч-кулранг мармар,	Пешку	Бухоро
Тозбулак 220 км г. Бухара	16 006	Оқ мармардан тортиб тўқ кулранг мармаргача	Пешку	Бухоро
Уразджан, участок. 75 км. Тинчлик	666	Кулранг ва холли мармар	Фиждуон	Бухоро
Шараксай. 18 км. Пшагар	2 505,7	Пушти ва сариқ доначали оқ мармар	Зомин	Жиззах
Хазарнов. 26 км. Китаб	1 548	Оқ, оч кулранг мармар	Шахри-сабз	Қашқадарё
Искана. 30 км. Китаб	1 080,1	Оқ, оч кулранг мармар	Китоб	Қашқадарё
Кургандарин. 20 км. Китаб	397	Мармар	Китоб	Қашқадарё
Макрид. 6 км. Макрид	480	Оқ, оч кулранг мармар	Китоб	Қашқадарё
Саукбулак 5 км. Китаб.	217	Кулранг мармар	Китоб	Қашқадарё
Севаз. 20 км. Китаб	1 527	Кулранг мармар	Китоб	Қашқадарё
Тамчиата	389	Кулранг мармар	Китоб	Қашқадарё
Ташкала. 30 км. Китаб	234	Кулранг, тўқ кулранг мармар.	Китоб	Қашқадарё
Газган-Нур 30 км г. Нурата	323	Оқ мармар	Нурота	Навоий

Номи ва жойлашуви	Захира-си	Тури	Туман	Вилоят
Гулькон 1 км. Нурата	97	Оқ мармар	Нурота	Навоий
Коникатор 0,7 км. Газган	126	Тўқ кулранг, қора мармар.	Нурота	Навоий
Нурата 6 км. Нураты	282	Мармар	Нурота	Навоий
Чоркудук 8,5 км. Газган	135,8	Мармар	Нурота	Навоий
Каҳралисай. 40 км г. Беруний	1 675,0	Оқ-кулранг, пушти, тўқ-сариқ мармар	Беруний	Каракалпак-стан
Бешбармак. 20 км Улус (Джам)	250	Оқ, оч кулранг мармар	Нурабод	Самарканд
Кульбата-II 60 км. Каттакурган	484	Кулранг ва тўқ кулранг мармар	Иштихон	Самарканд





### Кварц қуми заҳиралари


Вилоят номи	Конлар сони, дона	Заҳираси, минг.トンна
Қорақалпоғистон	1	59
Жиззах	1	145,7
Қашкадарё	1	2021
Навоий	2	33576,7
Тошкент	3	19552,9
<b>Жами:</b>	<b>8</b>	<b>55355,3</b>



### Бўрсимон жинслар (доломит)

Вилоят номи	Конлар сони, дона	Заҳираси, минг.トンна
Қашқадарё	6	23 153,9
Навоий	1	109,1
Наманган	1	2448,4
Сурхондарё	1	2891
<b>Жами:</b>	<b>9</b>	<b>28 601,5</b>

### **III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**





Кварц асосидаги агломератни ишлаб чиқариш технологияси бир қатор босқичларни ўз ичига олади. Кварцли агломератнинг 92-96% қисмини кварц зарралари ташкил этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш босқичларининг ҳар бир жараёнида қатъий сифат назоратини ўтказиш талаб этилади. Бу эса тайёр маҳсулотнинг сифатли ва хавфсиз бўлишини таъминлайди.

Кварц асосидаги агломерат ишлаб чиқариш технологияси 1996 йилда Италияда Breton S.p.A томонидан ишлаб чиқилган ва патентланган. Бугунги кунда технологик жараён деярли ўзгаришларсиз келмоқда.

### **Ишлаб чиқариш жараёни қуйидагича**

**1-босқич.** Агломерат ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида майдаланган табиий тог жинси бўлган майдаланган

кварц полиэфир смоласи ва ранг берувчи моддалар билан аралаштирилади. Ушбу жараёнда майдаланган кварц умумий таркибининг 90% қисмини ташкил этади. Кварц юқори мустаҳкамлик кафолати бўлиб ҳисобланса, полиэфир смоласи механик таъсиrlарга чидамлиликни таъминлайди.

**2-босқич.** Кейинги босқич, ҳосил бўлган аралашмани юмшатиш ва уни резина қолипларга солишdir. Шундан сўнг, вибропресс жараёни бошланади. Пресс таъсири остида аралашма ва ёриқларсиз бир ҳил ҳолга келади. Натижада деярли нолга тенг сув ютиш кўрсаткичли агломерат ҳосил бўлади.

**3-босқич.** Пресс таъсиридан сўнг, қолиплар печларга юборилади. Унда полиэфир смоласининг 104 °C ҳароратда катализтик реакцияси бошланади. Натижада аралашма қаттиқла-

шади ва бир хил плитага айла-  
нади.

**4-босқич.** Якуний босқич.  
Охирги босқичда плиталар  
совутиласы да силлиқланади,  
уларга жило берилади. Маҳсу-  
лотлар тегишли тартибда қа-  
доқланади.

#### Агломерат плиткаларини ишлаб чиқариш технологиялари нархи

1. Россия Федерациисида

ишлаб чиқарылған, суткасига  
100м<sup>2</sup> ишлаб чиқариш қувватига  
эга линиянинг дастлабки нархи –  
265 000 000 сүм.

2. Россия Федерациисида  
ишлаб чиқарылған, суткасига  
150 м<sup>2</sup> Агломерат плиткалари-  
ни ишлаб чиқариш қувватига  
эга линиянинг дастлабки нархи  
- 477 000 000 сүм.

Ушбу линия ишга туширили-  
ши натижасида 10-20 нафар янги  
иш ўрни яратилиши мумкин.



## **IV. СИФАТ, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ**



## 4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тұғрисида" ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатый белгилаб қўйилган.

Мазкур норматив хужжатлар орқали агломерат ишлаб чиқариш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, маҳсулотни тасиши, даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сотиб олиш мумкин.

Бундан ташқари агломерат маҳсулотларини хорижда талаб кучли эканлигидан келиб чиқиб, экспорт қилинадиган давлатнинг меъёрий хужжатлари асосида ҳам ишлаб чиқариш мумкин.

**Агломерат маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
учун зарур стандартлар қуийдагилар:**


Стандарт рақами	Стандарт номи
<b>ГОСТ 12409-66</b>	Темир рудалари, концентратлар, агломератлар ва гранулалар. Оғирликнинг аниқлиги даражаси
<b>ГОСТ 12764-73</b>	Темир рудалари, концентратлар, агломератлар ва гранулалар. Намликни аниқлаш усули
<b>ГОСТ 17212-84</b>	Темир рудалари, агломератлар ва гранулалар. Қайта тикланишни аниқлаш усули
<b>ГОСТ 18262.0-88</b>	Табиий тошдан ясалган мөймөрий ва курилиш маҳсулотлари. Техник шартлар.
<b>ГОСТ 18262.10-88</b>	Титаномагнетит рудалари, концентратлар, агломератлар ва темир-ванадий гранулалари. Кимёвий анализ усулларига умумий талаблар
<b>ГОСТ 18262.11-88</b>	Титаномагнетит рудалари, концентратлар, агломератлар ва темир-ванадий гранулалари. Хромни аниқлаш усуллари
<b>ГОСТ 18262.12-88</b>	Титаномагнетит рудалари, концентратлар, агломератлар ва темир-ванадий гранулалари. Марганец оксидини аниқлаш усуллари
<b>ГОСТ 18262.13-88</b>	Титаномагнетит рудалари, концентратлар, агломератлар ва темир-ванадий гранулалари. Олтингугуртни аниқлаш усули
<b>ГОСТ 18262.14-88</b>	Титаномагнетит рудалари, концентратлар, агломератлар ва темир-ванадий гранулалари. Калий оксиди ва натрий оксидини аниқлаш усули
<b>ГОСТ 18262.15-88</b>	Титаномагнетит рудалари, концентратлар, агломератлар ва темир-ванадий гранулалари. Оловда вазн йўқотишини аниқлаш усули

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-иловаси “2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати”га мувоғиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



## **4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш**




**Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки қамайтирилған.** Агломерат маҳсулотлари учун мувофиқлик сертификатини масофадан түриб олиш мумкин. Бунда Сиз [singlewindow.uz](http://singlewindow.uz) электрон платформасига кирасиз, **ариза за тақдим этиш** тугмасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамда **3 иш куни ичидаги** тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган агломе-

рат плиталаридан намуналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



#### 4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Агломерат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воситаларидан фойдаланылади.

Ушбу ўлчов воситалари агломерат маҳсулотлари сифати, стандарт талабларда белгиланған геометрик ўлчамлардан, оғирликлардан четга чиқмаганлыги каби мұхим факторларни доимий назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари йылға

бекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сон буйруғига** асосан **Миллий метрология институти ёки унинг ҳудудий филиаллари томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.**

## V. САМАРАДОРЛИК ҚҰРСАТКИЧЛАРИ





## Агломерат плиталари таннархи

<b>Харажатлар</b>	<b>Үлчов бирлиги 1м<sup>2</sup></b>	<b>Ишлаб чикириш бирлиги</b>	<b>1 кунда (100 м<sup>2</sup> сүмда)</b>	<b>1 ойда (2,6 минг м<sup>2</sup> сүмда)</b>
Хом ашё	сўм	48 950	4 895 000	127 270 000
Амортизация	сўм	1 250	125 000	3 250 000
Иш ҳақи	сўм	2 400	240 000	6 240 000
Бошқарув харажатлари	сўм	1 850	185 000	4 810 000
Ёқилғи харажатлари (жами таннархнинг 3 %)	сўм	1 634	163 400	4 248 400
Транспорт харажатлари (жами таннархнинг 2 %)	сўм	1 089	108 900	2 831 400
Бошқа харажатлар (жами таннархнинг 5 %)	сўм	2 723	272 300	7 079 800
<b>Жами харажатлар</b>		<b>59 896</b>	<b>5 989 600</b>	<b>155 729 600</b>
<b>Сотиш баҳоси</b>		75 000	75 000 000	195 000 000
<b>Фойда</b>		<b>15 104</b>	<b>1 510 400</b>	<b>39 270 400</b>





## VI. ЭКОЛОГИК МЕЬЁРЛАР ВА АТРОФ МУХИТГА ТАЪСИРИ



## **6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар**



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган мұхит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилған қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф мұхитни мұхофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун хужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек кўйишга, табиатни мұхофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилған давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимиdir.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрданги **«Табиатни мұхофаза қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрданги **«Атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш тўғрисида»** Қонунлари табиий мұхит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг хуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим обьектлар мұхофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф мұхитга эга бўлиш хуқуқини кафолатлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрданги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мұхитни мұхофаза қилиш концепциясini тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5863-сонли фармонига биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш обьектлари ва бошқа обьектлардан устувор даражада фойдаланиш;
- иқтисодиётни экология-

лаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа обьектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самараадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самараадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топширикларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий мухит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечеётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни таҳликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг күламда құлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Хозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши на-тижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум дара-жада мувозанатдан чиқмокда, бу эса ер юзида ҳәёттің жара-ён рисоладагидек кечишига хавф солмокда. Шу боисдан табиий мұхитни асраш муам-молари күп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқи-лона фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожла-ниш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига күрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мүмкін эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир күрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қи-лиш зарур бўлган, асосан, **5 қо-нуният** мавжуд:

- 1) Табиатдаги барча ком-понент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳо-сил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун та-бии комплексда ўзгариш рўй беради;
- 2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳара-кати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;
- 3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян дав-рийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33—35 йил-лик ва кўп йиллик);
- 4) зоналик;
- 5) регионаллик.

## 6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



**Экологик назорат** объектлары қуидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсі, атмосфера ҳавоси атроф мұхитта таъсир күрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф мұхит ифлосланишига ва табиий ресурслардан ноқилона фойдаланишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳәети ва соғлиғига таҳдид солиши мүмкін бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

#### **Экологик назоратнинг турлари:**

давлат экологик назорати; идоравий экологик назорат; ишлаб чиқариш экологик назорати; жамоатчилик экологик назорати.

**Хар қандай янги лойиха бўйича** ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5 та**

**норматив-хужжат** ишлаб чиқилиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланып қўйилган. Булар:

**АМТА** – атроф мұхитта таъсири аризаси ҳақидаги хужжат;

**ЭОА** – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги хужжат;

**ПДВ** – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

**ПДС** – ер қатламига чиқариладиган заарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади;

**ПДО** – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажralадиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг худудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертификатланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

## VII. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ





## 7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳукуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавф-

сизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқарышда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олди-даги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулидан қатъий назар барча корхона, муассаса, таш-

килотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнат-

ни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зимасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қуийдаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамоавий ҳимоя восита-лари** – тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

**зарарли ишлаб чиқариш омили** – таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

**иш ўрни** – меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий

ёки вақтингчалик бўлиш жойи;

**ишлаб чиқариш фаолияти**

— маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йигиндиси;

**ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса** — ходимнинг иш берувчининг худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

**касб касаллиги** — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб

чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

**меҳнат шароитлари** —

меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йигиндиси;

**меҳнатни муҳофаза қилиш**

— меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлифи, иш қобилияти сақланнишини таъминлашга доир ҳукуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингча ёки турғун йўқотиши;

**ноқулай ишлаб чиқариш**

**омиллари** — зарарли ишлаб чиқариш омилиниң ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилиниң мавжудлиги;

**хавфли ишлаб чиқариш омили** — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

#### **шахсий ҳимоя воситалари**

— ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланилайдиган техник воситалар ва бошқа воситалар.



## VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли "Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интэрактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интэрактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

### **ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш" тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

## IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилған бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар тақлиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталған масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда этибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилған бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

### **КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:**

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);
- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинадиган ёки ижарага олинадиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);
- корхона ташкил қилинганилиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);
- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Худорожков И.П. Агломерат кучининг тузилишга боғлиқлигини назарий асослари ва тадқиқотлари. 1974.
2. Мелехова, Н.И. Курилиш материалларининг физик-кимёвий ва технологик асослари: монография. Тула: ТулГУ, 2011.
3. Козыренко, Е.И. Курилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини бошқариш. / Е.И.Козыренко // Вестник АГТУ. Серия: Экономика. -2010.
4. Савченкова, Т.В. Курилиш материаллари: ўқув-услубий қўлланма. Т.В.Савченкова.- Томск: ТГАСУ, 2010.
5. <https://lex.uz>
6. [www.uzsm.uz](http://www.uzsm.uz)
7. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 6.
8. Сатторов З.М. Курилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 6.



### “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

<b>Манзил:</b>	100000, Тошкент шаҳри. Шаҳрисабз кўчаси 3-й.
<b>Мўлжал:</b>	“Ўзбекистон почтаси”, "Ucell" бош оғиси.
<b>Алоқа учун:</b>	+ 998 (78) 120-35-94
<b>E-mail:</b>	info@uzpsb.uz
<b>Сайт:</b>	sqb.uz

### “ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

<b>Манзил:</b>	Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси, 68-А уй.
<b>Мўлжал:</b>	Дўстлик боғи, “Иchan қалъа” меҳмонхонаси
<b>Алоқа учун:</b>	(71) 254-92-01
<b>E-mail:</b>	info@uzqmliti.uz
<b>Сайт:</b>	uzqmliti.uz

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

АГЛОМЕРАТ (СУНИЙ ГРАНИТ) МАҲСУЛОТЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

АГЛОМЕРАТ (СУНИЙ ГРАНИТ) МАҲСУЛОТЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---



**Агломерат (суний гранит) маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш бўйича амалий услугубий қўлланма**

**Компьютерда тайёрловчилар:**  
Эрматов Ф., Алимжонов С.

**Дизайнер:**  
Эрматов Ф.